

*«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан
лизинг операцияларини амалга ошириш ва
уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш
тартиби тўғрисида»ги
НПЗМга 1-сонли илова*

___ - сонли Лизинг шартномаси

___ шаҳар

20__ йил “__” ____.

«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядорлик-тижорат банки, бундан буён «Лизинг берувчи» деб номланувчи, бир томондан, _____ асосида ҳаракат қилувчи _____ ва

бундан буён «Лизинг олувчи» деб номланувчи «_____», номидан Низом асосида фаолият юритувчи Директор _____ бошқа томондан қўйидагилар тўғрисидаги мазкур шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу Шартномага мувофиқ Лизинг берувчи, Лизинг олувчининг аризасига биноан, лизинг объектини сотиб олиб, Лизинг олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида лизингга тақдим этади. Лизинг олувчи эса – ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган лизинг объектини қабул қилиб, Лизинг берувчига ушбу шартномада кўрсатилган ҳамда шартноманинг 2-иловасида белгиланган шартларда ва муддатларда лизинг тўловларини ҳамда бошқа тўловларни амалга оширади.

1.2. Ушбу Шартномага мувофиқ лизинг объекти (унинг номи, миқдори ва сифат кўрсаткичлари) ва Сотувчиси Лизинг олувчи томонидан мустақил равишда танланади.

2. Таърифлар

2.1. Ушбу Шартнома доирасида томонлар қуйдаги асосий атамалардан фойдаланишга келишилди:

2.1.1. **Лизинг** - молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (Лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (Лизинг олувчининг) топшириғига биноан, учинчи тарафдан (Сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни Лизинг олувчига ушбу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун тақдим этади.

Шу билан бирга, олинган лизинг объекти лизинг муддати мобайнида Лизинг берувчининг мулки бўлиб қолади.

2.1.2. **Лизинг объекти**: ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган мол-мулк.

2.1.3. **Лизинг берувчи**: лизинг объектини Лизинг олувчига лизингга бериш мақсадида сотиб олган ва лизинг объектига эгалик ҳуқуқига эга бўлган АТБ «ASIA ALLIANCE BANK».

2.1.4. **Лизинг олувчи**: ушбу Шартномада кўрсатилган муддат ва лизинг шартлари бўйича фойдаланиш учун оладиган, кейинчалик мулкка эгаликни ўтказиб олиш йўли билан лизинг объектини оладиган «_____».

2.1.5. **Лизинг муддати**: Инвестицион лизинг муддати ва асосий лизинг муддатида иборат бўлган муддат.

Агар лизингга берилдиган лизинг объектини етказиб бериш қисмларга бўлиниб амалга оширилса, лизингга берилган объектнинг ҳар бир қисми учун лизинг муддатини ҳисоблаб чиқариш алоҳида амалга оширилади.

Инвестицион лизинг муддати – лизинг объектини сотиб олиш учун Шартнома/контрактга мувофиқ аккредитив очилган кундан бошлаб асосий лизинг муддати санасига қадар давом этадиган муддат.

Инвестицион лизинг муддати мобайнида Лизинг берувчи лизингга олинган объектни сотиб олиш ва Лизингга олувчига бериш учун чора-тадбирларни амалга оширади.

Инвестицион лизинг муддати давомида Лизингга олувчи Лизинг берувчига лизингга бериладиган лизинг объектини сотиб олиш учун Шартнома/Контрактга мувофиқ очилган аккредитив суммасига йилга ____% фойз ставкаси асосида ҳисобланган фойзларни тўлайди. Фойзлар Инвестицион лизинг муддатининг ҳақиқий кунлари сони бўйича ҳисобланади.

Лизингнинг асосий муддати – Лизинг олувчи эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун Топшириш ва қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб, ____ (_____) ой давом этадиган муддат давомида лизинг объектини лизингга қабул қилиб оладиган давр ҳисобланади.

Лизингнинг асосий муддати давомида Лизинг олувчи лизинг шартлари асосида лизинг объектини эғалик қилиш ва ундан фойдаланишга қабул қилиб олади. Лизинг муддати мобайнида Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлашни, лизинг тўловлари бўйича Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи томонидан ушбу лизинг шартномасининг 2-илоvasида кўрсатилган тўлов жадвалига мувофиқ тўлайди.

2.1.6. Лизинг тўловлари: ушбу шартномада кўрсатилган лизинг муддати мобайнида ва ушбу шартномада кўзда тутилган муддат ва миқдорда Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига тўланиши керак бўлган пул миқдори бўлиб, Лизинг олувчининг Лизинг берувчига лизингга берилган мулкнинг қийматини ва Лизинг берувчининг лизинг маржасини қоплайди. Лизинг тўловлари Лизинг олувчи томонидан ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган график асосида ҳар ойнинг 20 санасида тўланади.

Лизинг олувчининг ташаббуси билан ёки ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ Лизинг берувчининг талабига биноан, лизинг тўловларини муддатидан олдин тўлиқ тўлаш амалга оширилиши мумкин.

2.1.7. Лизинг маржаси - лизинг тўловларининг бир қисми бўлиб, Лизинг берувчининг фойзли даромади ҳисобланади. У лизинг объекти қийматини (асосий қарз бўйича) қоплаш бўйича ҳақиқий қарздорлик қолдиғига йиллик ____% ставка бўйича ҳисобланади.

2.1.8. Оширилган лизинг маржаси - Лизинг берувчининг фойзли даромади бўлиб, у лизингга берилган объект қийматини (асосий қарз) қоплаш юзасидан қайтариш муддати ўтказиб юборилган ҳақиқий қарздорлик қолдиғига йиллик ____% ставка бўйича ҳисобланади.

2.1.9. Лизинг объектини сотиб олиш учун шартнома (контракт) - кейинчалик "Шартнома/Контракт" деб аталадиган Сотувчи, Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида лизинг объектини сотиб олиш учун имзоланадиган (импорт) шартномаси.

2.1.10. Лизинг объектининг қиймати – Шартнома/контрактга мувофиқ мол-мулк қиймати бўлиб, _____ (_____) _____ ни ташкил қилади.

2.1.11. Лизингнинг аванс тўлови – лизинг объекти расмийлаштирилганидан (импорт шартномаси бўйича ИМ-40 хужжати, бошқа шартномалар бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномаси) сўнг, 7 иш куни мобайнида Лизинг олувчи томонидан лизинг объекти қийматининг 25% миқдоридаги тўланадиган тўлов.

2.1.12 Асосий қарз – лизинг объекти қийматини қоплаш қисмида лизинг объектининг қиймати ҳамда тўланган аванс ва лизинг тўловлари қиймати ўртасидаги фарқ. Ушбу фарқ ойлик лизинг маржасини ҳисоблаш учун асос бўлиб ҳисобланади ҳамда у лизинг муддати давомида тўланиши керак.

3. Лизинг берувчи томонидан лизинг объектини сотиб олиш

3.1. Лизинг берувчи ушбу Шартнома имзолаган санадан бошлаб 10 (ўн) календар куни мобайнида лизинг объектини сотиб олиш учун Сотувчи ва Лизинг олувчи билан уч томонлама шартномани тузиши лозим. Ушбу муддат Лизинг берувчи, Лизинг олувчи ва Сотувчи ўртасида шартнома матнини келишиш муддатларига қараб узайтирилиши мумкин.

3.2. Лизинг берувчи, Лизинг олувчи ва Сотувчи ўртасида лизингга олинадиган объектни сотиб олиш учун имзоланган шартнома/контрактда кўрсатилган тартиб ва муддатда тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширишга, шунингдек ушбу шартнома/контрактдан келиб чиқадиган бошқа барча мажбуриятларни бажаришга мажбурдир.

4. Лизинг объектини топшириш

4.1. Ушбу шартномага мувофиқ лизинг объектининг сотувчиси " _____ " компанияси ҳисобланади.

4.2. Лизинг олувчи 2 календар кун ичида Лизинг берувчига лизинг объекти белгиланган манзилга етиб келганлиги тўғрисида хабар беришга мажбурдир.

4.3. Лизинг объекти расмийлаштиригандан сўнг 7 иш куни ичида қўйидагилар амалга оширилади:

- лизинг объекти Лизинг олувчи, Лизинг берувчи ва Сотувчи ўртасида унинг миқдори ва бутлиги бўйича Шартноманинг барча Томонлари иштирокида имзоланган Товар (Лизинг объекти) ни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилинади;

Лизинг олувчи лизинг объектига нисбатан божхона ва бошқа расмийлаштириш харажатларини ўзи амалга оширади.

Шартномага мувофиқ асбоб-ускуналар (лизинг объекти) қисмларга бўлиб етказиб берилганида Лизинг олувчига лизингга топшириш ҳам қисман амалга оширилиши мумкин.

4.4. Лизингга олинган объектнинг нобуд бўлиши, йўқотилиши, бузилиши, ўғирланиши билан боғлиқ барча хавф-хатарлар, лизинг объекти етказиб берилган санадан бошлаб Лизинг олувчи зиммасига ўтади.

4.5. Ушбу Шартномага ҳамда Лизингга олинган объектни сотиб олиш бўйича имзоланган Шартнома/Контрактга мувофиқ, Лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилган ва имзоланган ҳужжатлар (далолатнома, баённома, рекламация, ёзишмалар ва х.к.) нинг нусхаларини кейинги кундан кечиктирмай Лизинг берувчига тақдим этиши шарт.

5. Лизинг объектини сотиб олиш, лизингга бериш ва уни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар

5.1. Лизинг берувчининг лизинг битимини расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатлари Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчининг тўлов амалга оширилишини талаб қилган кундан бошлаб 3 (уч) календар куни мобайнида қопланади.

5.2. Лизинг олувчи қўйидагиларга мажбурдир :

- лизинг объектини тегишли шароитда сақлаш, лизинг объектини ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш;

- лизингга берилган объектдан тўғри фойдаланишни таъминлаш;

- лизинг объектини сақлаш ва уни таъмирлаш ишларини бажариш учун ўз маблағлари ҳисобидан тўловларни ўз вақтида тўлаш, шунингдек лизинг объектини сақлаш ва ундан фойдаланиш учун бошқа харажатларни амалга ошириш;

- бюджетга барча мажбурий тўловлар (солиқ, йиғимлар ва х.к.) ни тўлаш.

5.3. Лизинг берувчи талабига биноан, Лизинг олувчи унга 3 (уч) календар кундан кечикмай, лизинг объектига алоқадор томонлар билан боғлиқ шартномавий мажбуриятлари ва молиявий муносабатларига оид ҳужжатларни тақдим этади.

6. Лизинг объектининг муҳофазаси ва ундан фойдаланиш

6.1. Лизингга олинган объектнинг лизинг муддати мобайнида хавфсизлиги ва бутлиги Лизинг олувчи томонидан таъминланади.

6.2. Лизинг муддати мобайнида Лизинг олувчи, лизингга олинган объектдан факатгина тадбиркорлик мақсадларида ҳамда унинг ишлаб чиқариш мақсадлари (хусусиятлари)га мувофиқ фойдаланишга мажбурдир.

6.3. Ушбу лизинг шартномаси муддати мобайнида Лизинг олувчига қуйидагилар таъқиқланади:

- бошқа мақсадлар учун лизинг объектидан фойдаланиш;
- Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз бирон-бир тарзда лизинг объектини бегоналаштириш, Лизинг олувчининг бошқа мажбуриятлари учун гаров мулки сифатида ишлатиш;

- лизинг объектини ҳўжалик юритувчи жамият ва/ёки ширкатлар устав фондига ҳисса (улуш) сифатида киритиш.

6.4. Лизинг берувчининг ёзма розилиги билан, Лизинг олувчи лизинг объектига нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- учинчи шахсларга сублизингга, вақтинча эғалик қилиш ва фойдаланишга бериш;
- ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқага ўтказиш.

6.5. Лизинг объектини ишлатиш вақти давомида Лизинг олувчи уни яхши ҳолатда сақлашни, лизинг объектини қўздан кечиришни мунтазам равишда амалга ошириш, зарур ҳолларда эса лизинг объектини ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишларини амалга ошириши шарт.

6.6. Лизинг олувчи амалдаги қонунчиликка биноан техник хавфсизлик, ёнгин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича барча керакли ва зарур чораларни қўришга мажбурдир.

6.7. Лизинг олувчи лизинг объектидан фойдаланиш усуллари ва унинг сақланишини виждонан бажаришга мажбурдир.

6.8. Лизинг олувчи Лизинг муддати давомида лизингга берилган объектнинг хавфсизлиги, ишлатилиши ва сақланиши билан боғлиқ бўлган барча керакли рўйхатга олиш, лицензиялаш ва бошқа талабларни бажариш билан боғлиқ ҳаракатларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, шунингдек, лизинг объектини ишлатиш учун давлат ва бошқа ваколатли маъмурий органларнинг барча меъёрий-ҳуқуқий қўрсатмаларига ва тартибларига, жумладан республика ва маҳаллий ҳокимиятнинг қонун ҳужжатларига, қоидаларига ва тартибларига риоя этилишини ўз зиммасига олади.

6.9. Лизинг олувчи, лизингга олинган объектни ва/ёки унинг бирон бир қисmini ўғирлик, йўқотиш, шикастланишдан ва бундай ҳаракатлар қасдан қилинган ҳаракатлар, назоратни амалга оширмаслик ёки бепарволик натижасида содир этилган ёки этилмаган сабаблардан қатъий назар ҳимоя қилишга мажбурдир.

6.10. Лизинг олувчи лизинг объектини сақлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларга етказилган зарар ва/ёки шикастлар бўйича, шунингдек Лизинг берувчига нисбатан билдириладиган ҳар қандай бошқа талаб ва даъволар юзасидан жавобгардир.

6.11. Агар Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ёзма руҳсати билан лизинг объектини сублизингга, вақтинча эғалик қилиш ёки фойдаланишга, бепул фойдаланишга берганда, Лизинг

олувчи лизинг объектини лозим даражада сақланиши ва унинг функционал йўналишига мувофиқ ишлатилиши юзасидан жавобгарликдан озод этилмайди.

7. Лизинг объектида ўзгартириш

7.1. Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз, Лизинг олувчи лизинг объектига ҳеч қандай қўшимчаларни киритиш, такомиллаштириш ёки лизинг объектини ўзгартириш, қайта жихозлаш ҳаракатларини амалга ошириши мумкин эмас, бундай ўзгартиришлар лизинг объектини таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

7.2. Лизинг олувчи томонидан лизинг объектига қўшимчалар киритиш, такомиллаштириш ёки лизинг объектини ўзгартириш, қайта жихозлаш ва бошқа ҳаракатларни бажариш факатгина Лизинг берувчининг ёзма розилиги олинганидан кейин, лизинг объектининг техник ҳужжатларига ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

7.3. Лизинг берувчининг ёзма розилиги билан такомиллаштирилган ва ажратиб олиниши мумкин бўлган ўзгартиришлар Лизинг олувчининг мулки ҳисобланади. Лизинг берувчининг ёзма розилиги билан такомиллаштирилган ва ажратиб олинмайдиган ўзгартиришлар лизинг объекти қайтарилганда, Лизинг берувчи томонидан қопланмайди.

7.4. Агар лизинг олувчи лизинг объектини Лизинг берувчининг олдиндан ёзма розилигисиз ажралмас ўзгаришлар ҳисобига такомиллаштиради, Лизинг олувчи Лизинг берувчининг биринчи талабига биноан киритилган ўзгаришларни олиб ташлаб, лизинг объектини ўз маблағлари ҳисобидан дастлабки ҳолатига қайтариши шарт.

8. Лизинг объектининг йўқотилиши ёки зарарланиши

8.1. Лизинг олувчи лизинг объектини ёки унинг бир қисmini етказиб берган пайтдан бошлаб, лизингга олинган объект ёки унинг бирон бир қисmini ҳар қандай сабабларга, шу жумладан фавқулодда вазиятлар оқибатидаги сабабларга кўра зарар етказиш, бузилиш, йўқотиш, ўғирлаш, тасодифий йўқотиш ҳолатлари юзасидан хатарларини ўз зиммасига олади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқадиган зарар оқибатида, агар у суғурта ҳолатлари қаторига тегишли бўлмаса ёки суғурта компанияси бирон-бир сабабга кўра суғурта қопламасини тўлашдан бўйин товлаган бўлса, Лизинг олувчи лизинг объектини (лизинг объектининг бир қисmini) ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаши керак ёки Лизинг берувчи томонидан Сотувчига лизинг объекти ёки унинг бирон бир қисmini қийматини тўлаб бўлинган лизинг тўловлари чегириб ташланган ҳолда пул кўринишида қоплаб бериши керак.

Юқоридаги хатарлардан келиб чиқадиган зарар оқибатида суғурта ходисаси рўй берган ва суғурта компанияси Лизинг берувчига суғурта қопламаси тўланган тақдирда, Лизинг олувчи агар бундай ҳуқуқ унга Лизинг берувчи томонидан берилган бўлса, лизинг объектининг суғурта шартномаси бўйича тўланадиган маблағлар ҳисобидан лизинг объектини ёки унинг қисmini таъмирлаши, қайта тиклаш ишларини амалга ошириши мумкин.

Агар Лизинг берувчи бундай ҳуқуқни бермаса, Лизинг олувчи лизинг объектини таъмирлаш ёки тиклаш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Лизинг объектининг суғурта шартномаси бўйича Суғурта компанияси томонидан тўланадиган маблағлар Лизинг олувчининг кейинги лизинг тўловларини тўлаш ҳисобига йўналтирилади.

8.2. Зарар кўрган лизинг объектини ёки унинг қисmini таъмирлаш, тиклаш ишлари факат техник ҳужжатларга ҳамда тегишли меъёр ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

8.3. Лизинг объектини таъмирлаш вақтида лизинг тўловлари белгиланган график тартибида тўла ҳажмда тўланади.

9. Суғурта

9.1. Лизинг объекти топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 3 (уч) календар кун ичида Фойда олувчи-Лизинг берувчи фойдасига суғурта компаниясида (Суғурталовчи) суғурталаниши лозим. Суғурта ходисаларининг рўйхати Лизинг берувчи томонидан кўриб чиқилади ва белгиланади. Лизинг олувчи суғурта шартномасида белгиланган суғурта хатарларини қопланиши учун суғурта компаниясининг мажбурияти давомийлигини таъминлаш мақсадида суғурта шартномаси билан белгиланган суғурта мукофотларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлайди.

9.2. Лизинг олувчининг суғурта бўйича барча мажбуриятлари лизинг объектининг суғурта шартномасидан келиб чиқади.

10. Лизинг объектини қайтариш ва уни рад этиш

10.1. Лизинг олувчи ўзининг ташаббуси билан ва Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз мазкур шартномада, етказиб бериш шартномасида ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда қайтариб бериш учун асослар мавжуд бўлмаганида лизинг объектини қайтариш ва/ёки уни рад этишга ҳақли эмас.

10.2. Лизинг олувчи лизинг объектини қабул қилишни рад этганда ёки уни қайтарганда, Лизинг берувчи тегишли шартнома (етказиб бериш шартномаси)да кўрсатилган лизинг объекти қийматининг 100% миқдорида Лизинг олувчидан жарима ундиришга ҳақли.

11. Лизинг ва бошқа тўловлар

11.1. Ушбу бўлим Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи томонидан Лизинг олувчи Лизинг берувчига тўланадиган лизинг тўловларининг умумий миқдорини аниқлаш тартибини белгилайди. Лизинг тўловлари Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига лизингга берилган лизинг объектининг қиймати ва Лизинг берувчининг даромади (лизинг маржаси) қопланишини англатади.

11.2. Лизинг муддати давомида лизинг тўловлари ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган лизинг тўловларини тўлаш жадвали асосида амалга оширилади. Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган пайтда Лизинг олувчи ва Лизинг берувчи томонидан лизинг тўловларини тўлаш жадвали ҳам имзоланади.

11.3. Лизинг тўловлари Лизинг олувчи томонидан лизинг операцияларини ҳисобини юритиш учун очилган махсус банк ҳисобрақамларига тўланади.

11.4. Лизинг олувчининг лизинг операцияларини ҳисобини юритиш учун очилган махсус банк ҳисобрақамларига Лизинг олувчидан пул маблағлари келиб тушган кун лизинг тўловини амалга оширилган сана ҳисобланади.

11.5. Лизинг олувчи, ушбу лизинг шартномасида кўрсатилган лизинг тўловларининг барчасини ёки бир қисmini муддатидан олдин мустақил равишда тўлашга ҳақли. Бундай ҳолатда, Лизинг олувчи, Лизинг берувчининг олдиндан ёзма розилигисиз, асосий лизинг муддатининг биринчи 12 (ўн икки) ойлик даврида барча лизинг тўловларини тўла ҳажмда муддатидан олдин қоплаш ҳукукига эга эмас.

11.6. Агар Лизинг олувчи лизинг муддатининг 12 (ўн икки) ойи ўтганидан кейин лизинг муддатини қисқартиришни ва/ёки лизинг тўловларининг тўлов жадвалини ўзгартиришни ва шу сабабли лизинг тўловларининг барчасини ёки бир қисmini муддатидан олдин тўлаш ниятида бўлса, Лизинг олувчи бу ҳақда Лизинг берувчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг барчаси ва/ёки унинг бир қисmini муддатидан олдин тўлаши учун қўшимча битим тузилиши, шунингдек Лизинг берувчи ва

Лизинг олувчи томонидан имзоланадиган лизинг тўловларини тўлашнинг янги жадвалини тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

11.7. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари лизинг объектидан ҳақиқатда фойдаланилиши ёки йўқлигига қарамасдан амалга оширилади.

Лизинг объектини ишлатиш имконияти чекланганлиги ёки ишламаслиги оқибатида унинг тўлиқ ёки қисман йўқ қилиниши, зарар етказилиши, фавқулотда вазиятларнинг келиб чиқиши, техник жиҳатдан нотўғри ишлаши, унинг иқтисодий фаолияти мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки қонуний чекловлар сабаблари мавжуд бўлганда, ушбу Шартнома бўйича Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятидан озод этилмайди.

11.8. Лизинг олувчи томонидан ҳақиқатда тўланадиган лизинг тўловлари суммаси ушбу Шартномада белгилаб қўйилган жарималар, шунингдек ушбу Шартномада кўзда тутилган лизинг тўловлари ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлашни кечиктириш оқибати ҳисобига тўланган суммаларни ўз ичига олмайди.

11.9. Ушбу билан томонлар, Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига ушбу шартнома бўйича лизинг тўловлари ёки бошқа тўловлар сифатида келиб тушадиган барча пул маблағлари Лизинг олувчининг тўлов топшириқномасида қандай лизинг тўлови кўрсатилганидан қатъий назар Лизинг берувчи томонидан биринчи навбатда ушбу пул маблағлари келиб тушадиган кунгача мавжуд бўлган қарздорликларни қоплашга йўналтирилишини белгилайди.

11.10. Лизинг олувчидан Лизинг берувчига келиб тушадиган барча пул маблағлари куйидаги тартибда ҳисобга олинади:

биринчи навбатда - муддати ўтган комиссияларни қоплашга;

иккинчи навбатда - лизинг тўловлари ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа тўловлар тўланиши кечиктирилганлиги учун ушбу шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойка миқдорини қоплаш учун;

учинчи навбатда - муддати ўтган лизинг маржасини қоплашга;

тўртинчи навбатда - муддати ўтган қарзни тўлашга (лизинг объектининг қийматини қайтариш);

бешинчи навбатда - муддати ўтган асосий қарз бўйича ошган лизинг маржасини қоплашга;

олтинчи навбатда - муддатли комиссияларни қоплашга;

еттинчи навбатда - муддатли лизинг маржасини қоплашга;

саккизинчи навбатда – муддатли асосий қарзни қоплашга;

тўққизинчи навбатда – мазкур шартнома билан белгиланган бошқа тўловларни (Лизинг берувчининг харажатлари ва бошқалар) қоплашга.

11.11. Лизинг олувчи лизинг бўйича Инвестицион муддат ўтганидан кейин 5 (беш) банк куни ичида Лизинг берувчига Инвестицион лизинг муддати ичида ҳисобланган фоизларни бир марталик тўлов орқали қоплаб беради.

11.12. Тўлов кунда контракт бўйича Лизинг объекти қийматининг миллий валютадаги эквиваленти валюта курси пасайиши оқибатида Лизинг объекти бўйича БЮД (ИМ-40-режими бўйича божхона юк декларацияси) ҳужжатлари расмийлаштириладиган кун ҳолатига бўлган миллий валютадаги қийматидан кўпроқ бўлса, вужудга келадиган курс фарқини Лизинг олувчи Лизинг берувчига лизинг объектини топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида қоплаб бериши лозим.

12. Лизинг олувчининг ҳисобрақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш

12.1. Ушбу шартнома доирасида Лизинг олувчи лизинг тўловларини ёки бошқа тўловларни (комиссиялар, Лизинг берувчининг харажатларини қоплаш тўловлари, пеня,

жарималар ва бошқалар) кечиктирганда Лизинг берувчи Лизинг олувчининг банкдаги барча ҳисобрақамларидан пул маблағларини акцептсиз равишда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

12.2. Мазкур шартнома бўйича лизинг ва бошқа тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳолларда, Лизинг олувчи Лизинг берувчига ўзининг АТБ «ASIA ALLIANCE BANK»даги барча ҳисобрақамларидан акцептсиз равишда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради. Агар Лизинг олувчининг асосий ҳисобрақами бошқа банкда бўлса, Лизинг олувчи ушбу шартномани имзолагандан кейин 15 (ўн беш) календар кун ичида Лизинг берувчи Банкка, асосий депозит ҳисобварағи очилган банк билан тузилган “Пул маблағларни тўғридан-тўғри акцептсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида”ги келишув нусхасини тақдим этади.

12. Эгалик ҳуқуқини топшириш

13.1. Ушбу шартнома бўйича лизинг объекти Лизинг берувчи томоннинг ўз маблағлари ҳисобига олинади ва лизинг объектининг эгалик ҳуқуқи Лизинг берувчига ўтади. Лизинг объектининг эгалик ҳуқуқи ўтгандан сўнг, Лизинг берувчи лизинг объектини Лизинг олувчига лизингга беради. Лизинг муддати тугаганида, Лизинг олувчи ўз мажбуриятларининг барчасини тўлиқ ва виждонан бажарган, шунингдек лизинг тўловларининг барчаси тўлиқ ҳажмда амалга оширилган тақдирда, лизинг объекти Лизинг олувчига мулк сифатида топширилади.

13.2. Лизинг объектига нисбатан мулк ҳуқуқи Лизинг берувчидан Лизинг олувчига лизинг муддати тугаган кундан кейинги кунига, Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг барчаси тўлиқ ҳажмда тўлаганлик ва ушбу шартномада кўрсатилган барча мажбуриятларни тўлиқ бажарилганлик шarti асосида ўтади.

13.3. Ушбу Шартномада белгиланган тартибда лизинг тўловлари муддатидан олдин қопланган тақдирда, лизинг объектининг мулк ҳуқуқи барча лизинг тўловларининг муддатидан олдин тўлиқ ҳажмда қопланган ва ушбу шартномада кўрсатилган барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилган кундан кейинги кунига ўтади.

13.4. Мулк ҳуқуқининг мулкдорга ўтиши Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида расмийлаштириладиган ва мулк ҳуқуқи ўтадиган кунда имзоланадиган далолатнома орқали амалга оширилади.

13.5. Лизинг муддати тугагунга қадар Лизинг олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилмаган, шу билан бирга лизинг тўловлари амалга оширилмаган тақдирда, мулк ҳуқуқи Лизинг берувчидан Лизинг олувчига ўтмайди, шунингдек Лизинг берувчи лизинг объектини ўзининг мулки сифатида ўзига қайтариши (мусодара қилиш) ва учинчи шахсларга сотиш ёки ижарага топшириш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундай ҳолатда, Лизинг олувчи лизинг объектини ушбу шартноманинг 21.3-бандида кўрсатилган тартибда Лизинг берувчига қайтариши шарт.

14. Лизинг олувчининг ҳуқуқларини бошқанинг фойдасига ён бериш

14.1. Ушбу Шартнома айнан ушбу Лизинг олувчига тааллуқлидир, шунинг учун Лизинг олувчи ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёки ундан келиб чиқадиган ҳар қандай манфаатларни Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга бериш ҳуқуқига эга эмас.

15. Лизинг берувчи томонидан ўз ҳуқуқларини бошқанинг фойдасига ён бериш

15.1. Лизинг берувчи ушбу шартномага мувофиқ ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман амалдаги қонунчилик доирасида учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда,

Лизинг берувчи ўз ҳуқуқларини бошқалар фойдасига ўтказиладиганлиги тўғрисида Лизинг олувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

16. Лизинг объектини қайтариб олиш ҳуқуқи, муҳрлаш ва олиб қўйилиши

16.1. Лизинг берувчи ушбу лизинг шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, шу жумладан лизинг тўловларини кетма-кет икки ёки ундан ортиқ муддат давомида кечиктирган бўлса, агар Лизинг олувчи томонидан лизинг объектини сақлаш ва мақсадли ишлатилиши ушбу шартнома шартларига зид бўлса, Лизинг берувчи лизинг объектини қайтариб олиш ҳуқуқига эга ва Лизинг берувчи томонидан танланган жойга етказишга, Лизинг олувчи эса бунга қаршилиқ қилмасдан, Лизинг берувчига лизинг объектини, шунингдек бошқа барча ҳужжатларни Лизинг берувчига қайтариб беришга мажбурдир.

16.2. Агар лизинг объектининг олиб қўйилиши уни демонтаж қилиш ва транспортировка қилишни талаб этса, ушбу ишларни бажариш ва уларни молиялаштириш Лизинг олувчи томонидан амалга оширилади. Агар Лизинг олувчи лизинг объектини қайтариш тўғрисида ёзма ариза олган кундан бошлаб 5 (беш) календар куни ичида юқоридаги ҳаракатларни бажармаса, лизинг объектини демонтаж қилиш ва транспортировка қилиш Лизинг берувчи томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, Лизинг берувчи томонидан амалга оширилган барча ҳаражатлар Лизинг олувчи томонидан ушбу ҳаражатларни ёзма равишда талабнома олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунида тўланади.

16.3. Лизинг берувчи Лизинг олувчидан лизинг объекти ундан ҳақиқатда олиб қўйилгунга қадар ёзма равишда талабнома олган кундан бошлаб, лизинг объектини унинг жойлашган жойида муҳрлаш ҳуқуқига эга.

16.4. Лизинг олувчи, Лизинг берувчи томонидан ҳақиқатда лизинг объектини олиб қўйиш пайтигача унинг сақланиши бўйича тўлиқ жавобгар бўлади. Бундай ҳолларда, Лизинг олувчи Лизинг берувчини ва/ёки унинг вакиллари лизинг объектини олиб қўйиш бўйича ўтказиладиган ишларни бажараётган пайтда барча зарур ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хоналарига киришга, шу жумладан зарур маҳсул жихозларни олиб киришга рухсат беришга тўсқинлик қилмасликка мажбурдир.

16.5. Лизинг объектини олиб қўйиш билан бир вақтда Лизинг берувчи Лизинг олувчидан кечиктирилган лизинг тўловлари миқдорини, шунингдек жарималар, пеня ва бошқаларни ҳамда ушбу ҳолатлар билан боғлиқ бўлган бошқа зарарларни қоплаш юзасидан талаб қилган барча тўловларни, бундай талаб олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунида тўлаши шарт. Агар Лизинг олувчи юқорида кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўламаса ёки Лизинг берувчи томонидан ёзма аризани ҳар-хил сабабларга кўра қабул қилишдан қочса, Лизинг берувчи юқорида кўрсатилган тўловларни акцептсиз равишда ундиришга ҳақлидир.

16.6. Агар Лизинг олувчи мазкур шартноманинг 16.5-бандида кўрсатилган шартларни бажарса Лизинг берувчининг хоҳишига қараб олиб қўйилган лизинг объекти фойдаланиш ва эгаллик қилиш учун Лизинг олувчига қайтарилиши мумкин.

16.7. Ушбу бўлимда акс эттирилган лизинг объектини олиб қўйиш ва мусодара қилиш тартиби мазкур шартнома шартларига асосан Лизинг берувчи томонидан барча ҳолларда қўлланиши мумкин.

16.8. Лизинг объектини қайтариб олиш ёки уни олиб қўйиш, Лизинг олувчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан, шу жумладан кечиктирилган лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини, неустойка (жарима, пеня) ва Лизинг олувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашдан озод қилмайди.

17. Лизинг объектининг қийматини ҳисобга олиниши

17.1. Лизинг объектининг қиймати, ушбу объект Лизинг берувчининг эгалигида қолиши сабабли, Лизинг олувчининг қарздорлик суммаси ҳисобига олиниши мумкин эмас, ушбу шартноманинг 17.2.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

17.2. Агар Лизинг олувчи ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўғри бажармаса ва Лизинг берувчи лизинг тўловларининг тўлиқ миқдорини муддатидан олдин тўлашни ва/ёки лизинг объектини қайтариб олишни талаб қилса, лизинг объектининг қиймати қуйидаги ҳолларда Лизинг олувчининг қарзига ўтказилиши мумкин:

17.2.1. Лизинг объекти Лизинг берувчи томонидан учинчи шахсларга реализация қилинган тақдирда, лизинг объектини сотишдан тушган пул маблағлари, Лизинг берувчи томонидан лизинг объекти реализация қилинганда ҳисобланган солиқ суммасини айирганда, ҳисобга олинади.

17.2.2. Лизинг объекти Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида лизинг объектининг ҳақиқий эскириш қиймати ва бозор қийматини ҳисобга олган ҳолдаги келишилган қийматда Лизинг берувчи томонидан қарз ҳисобига олиб қўйилиши мумкин. Бу ҳолда, қарзни қоплаш ҳисоби (зачет) лизинг объекти бўйича тарафлар томонидан келишилган топшириш-қабул қилиш (олиб қўйиш) далолатномасида кўрсатилган (ҳисобга олинган) қоплаш суммаси (қиймати)дан, ушбу қийматда Лизинг объекти реализация қилинган тақдирда Лизинг берувчи томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини айирган ҳолда амалга оширилади. Лизинг объекти бўйича қарзни қоплаш ҳисоби қийматини аниқлаш томонлар келишувига биноан мустақил баҳоловчиларни жалб этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

18. Ахборотни тақдим этиш ва текшириш

18.1 Лизинг берувчи бутун лизинг муддати давомида Лизинг олувчидан ёзма шаклда унинг молиявий, мулкӣ, ҳўжалик ва юридик ҳолати (қўйидаги шаклларда тасдиқланган йиллик ва чорак ҳисоботлар тўплами: тегишли солиқ органларида тасдиқланган йиллик баланс, шунингдек чораклик оператив баланс, молиявий фаолият яқунлари тўғрисида ҳисобот ва бошқалар, дебитор ва кредиторлик қарздорликлари, муддати ўтган қарздорликлар бўйича солиштириш далолатномалари), лизинг тўловларини тўлаш истиқболлари, лизинг объектининг ҳолати, шунингдек, ушбу шартнома шартлари бўйича учинчи шахслар билан муносабатлар ҳақидаги маълумот ва/ёки ҳужжатларнинг нусхаларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Лизинг берувчининг талабига биноан, Лизинг олувчи, Лизинг берувчидан ёзма ариза олинган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида, аризачига сўровда кўрсатилган ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдир.

18.2. Лизинг олувчи лизингни амалга ошириш билан боғлиқ техник ва бошқа муҳим тафсилотларни белгиловчи барча ҳаражатларни аниқлаштириш билан боғлиқ ҳисобларни (электрон, китоблар, ҳужжатлар кўринишида ва х.к.) юритиши шарт.

18.3. Лизинг берувчи исталган вақтда ва ўзи белгиллаган шаклларда Лизинг олувчи билан лизинг объектидан фойдаланишни текширишга ҳақли. Текширув доирасида Лизинг берувчи лизинг учун зарур бўлган барча китоблар ва бошқа барча ҳужжатлар билан танишиш, шунингдек лойиҳа (лизинг) тўғрисидаги мавжуд ахборотларни ва келгусидаги режа маълумотларини тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

18.4. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ходимларини мақсадли текширувларни ўтказиш ва лизинг объектининг ҳолатини баҳолаш учун хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва бошқа жойларга киришларига рухсат беришни ўз зиммасига олади.

18.5. Лизинг олувчи ушбу шартнома бўйича лизинг олувчининг мажбуриятлари бажарилишига сезиларли таъсир кўрсатадиган ёки хавф-хатарларни келтириб чиқарадиган барча ҳолатлар ҳақида дарҳол хабар беришга мажбурдир.

18.6. Ушбу шартнома муддати мобайнида Лизинг олувчи ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши, қайта ташкил этилиши, тугатилиши ҳақида Банкни олдиндан хабардор қилишга мажбур. Лизинг олувчи Лизинг берувчи (Банк) билан олдиндан келишмасдан туриб, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажаришга салбий таъсир кўрсатадиган ҳаракатларни амалга оширмаслиги, учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши кафолати сифатида ўзининг бирон-бир мулкни гаровга тақдим этмаслиги, учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича кафил сифатида иштирок этмаслиги лозим.

18.7. Лизинг олувчи умумий капитали баланс қийматининг 25% (фоизи)дан ошадиган миқдоридаги мулкни сотиб олиши ёки бошқага бериши, шунингдек сотиб олиш ёки бошқага бериш имконияти бўйича ўзаро боғлиқ шахслар билан амалга ошириладиган битим ва/ёки бир нечта битимлар тўғрисида, шунингдек Лизинг олувчининг ушбу суммага мажбуриятлари кўпайишига олиб келадиган битимлар тўғрисида, ёзма равишда Лизинг берувчини огоҳлантиришга мажбурдир. Ушбу мажбурият кўрсатилган битимлар тузилган кундан бошлаб 10 календар кўн давомида бажарилиши керак.

18.8. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида Лизинг олувчи Лизинг берувчининг олдиндан розилигисиз, мазкур шартнома шартларининг бажарилишига зид келадиган ёки тўғри бажарилишига таҳдид туғдирадиган, учинчи шахслар билан бўлган битимларга киришиши мумкин эмас.

18.9. Лизинг берувчи Лизинг олувчининг молиявий аҳволини, лизинг объектининг ҳолатини текширишга ва ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида Лизинг олувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилишга ҳақлидир.

18.10. Лизинг берувчи Лизинг олувчини лизинг объекти ва у билан боғлиқ ҳужжатларни текширишнинг тахминий муддатини текшириш санасидан камида бир кун олдин огоҳлантириш мажбуриятини олади.

19. Томонларнинг мажбуриятлари

19.1. Лизинг берувчининг жавобгарлиги:

19.1.1. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг олди-сотди шартномаси/контрактини тузиш муддатига риоя қилмаслик ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Лизинг олувчи ва/ёки учинчи шахсларнинг ҳаракати ва/ёки ҳаракатсизлиги туфайли ушбу шартнома бўйича улар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, Лизинг берувчини ҳар қандай жавобгарликдан озод этади.

19.2. Лизинг олувчининг жавобгарлиги:

19.2.1 Белгиланган муддат давомида лизинг маржаси ва у бўйича вужудга келган муддати ўтган қарздорлик тўланмаган тақдирда, Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига 0,15 % (фоиз) миқдорида кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун, лекин кечиктирилган тўлов миқдорининг 50 % (фоизи)дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

19.2.2. Лизинг объекти қийматининг қайтарилиши, асосий қарзга нисбатан лизинг тўлови муддатини кечиктириш оқибатида бузилган тақдирда, Лизинг олувчи ушбу шартноманинг 2.1.8.-бандига биноан асосий қарзга ҳисобланадиган, лизинг маржасининг оширилган миқдорини тўлашга мажбур.

19.2.3. Ушбу шартноманинг 5.1.-бандига мувофиқ харажатларни коплаш кечиктирилганда, шунингдек, ушбу шартномада назарда тутилган бошка тўловлар кечиктирилганда, Лизинг олувчи Лизинг берувчига кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун тўланмаган миқдорнинг

1% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов миқдоридан 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

19.2.4. Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз мазкур шартноманинг 6.4-бандида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар амалга оширилганда, Лизинг олувчи қуйидагича жарима тўлайди:

- лизинг объекти сублизингга ўтказилганда - сублизинг шартномасига мувофиқ олинган барча суммалар миқдорида, лекин ушбу шартнома билан белгиланган бир лизинг тўловининг суммасидан кам бўлмаган, лизинг объекти сублизинг олувчининг эғалигида бўлган ҳар ой учун;

- ушбу шартноманинг 6.4-бандда кўрсатилган бошқа ҳаракатларни амалга оширган тақдирда, Лизинг олувчи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) баравари миқдорида жарима тўлайди.

19.2.5. Шартноманинг 5.2, 5.3, 6.1-6.9., 8.1, 9.1-бандларида, шунингдек ушбу шартноманинг 18-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида Лизинг олувчи энг кам иш ҳақининг 100 (юз) баравари миқдорида жарима тўлайди.

19.2.6. Шартноманинг 13.5., 16.1. ва 21.3.-бандларига мувофиқ лизинг объектини вақтида қайтармаслик оқибатида Лизинг олувчи Лизинг берувчига лизинг объектининг қийматидан 5% миқдорида жарима тўлайди.

19.2.7. Лизинг тўловларининг дастлабки 12 (ўн икки) ойи давомида Лизинг берувчининг олдиндан ёзма розилигисиз барча лизинг тўловларини тўлиқ тўланадиган тақдирда, Лизинг олувчи Лизинг берувчи томонидан лизинг тўловлари жадвали асосида олинмаган лизинг маржаси миқдорида жарима тўлайди.

19.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

20. Шартноманинг қучга кириши ва тугатилиши

20.1. Ушбу шартнома Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи томонидан имзоланган кундан бошлаб қучга кирилади.

20.2. Шартнома тарафларнинг ушбу шартнома бўйича бир-бирлари олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарган санадан бошлаб тугатилади.

21. Шартномани бекор қилиш

21.1. Шартнома Тарафларнинг келишуви билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ушбу Шартномада кўзда тутилган бошқа асосларга мувофиқ бекор қилиниши (тугатилиши) мумкин.

21.2. Лизинг берувчи ушбу шартномани бир томонлама тартибда, уни бажаришни бир томонлама рад этиш орқали, Лизинг олувчига шартноманинг бекор қилиниши оқибатида вужудга келган ҳар қандай ҳаражатларни қопламасдан, Лизинг олувчига бекор бўладиган санадан 10 (ўн) календар кун олдин ёзма огоҳлантириш бериш йўли орқали қуйидаги ҳолларда бекор қилиши мумкин:

21.2.1. Агар Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш бўйича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини мунтазам равишда (икки ёки ундан ортиқ марта) бузса, шунингдек ушбу шартнома шартларини лизинг объектнинг сақланилиши ва мақсадли ишлатилишига оид шартларни бузса;

21.2.2. Лизинг олувчининг молиявий ахволининг ёмонлашуви (зарарлар, ноликвид баланс ва ҳ.к.);

21.2.3. Бухгалтерия ҳисоботи этиборсизлиги, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг нотўғрилиги ва/ёки молиявий ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаслик;

21.2.4. Нотўғри ва ёлғон маълумотлар тақдим этиш ва/ёки Лизинг берувчи томонидан лойиҳанинг ижросини, Лизинг олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва назорат қилишни талаб қилган маълумотни беришни рад этган ҳолда;

21.2.5. Лизинг олувчининг раҳбарлари – мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганда, агар Лизинг олувчининг пул маблағларига ва унинг мулкига банд солинганда, агар лизинг олувчининг ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда;

21.2.6. Лизинг олувчининг банкротлиги ёки тугатилиши ёхуд бундай таҳдид пайдо бўлиши;

21.2.7. Шартноманинг 5.2., 5.3., 6.1.-6.9., 8.1., 9.1.-бандларида ва 18-бўлимда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши бузилганда.

21.2.8. Агар томонлар Лизинг берувчи ва/ёки Лизинг олувчи томонидан лизинг объектнинг аниқланган камчиликлари ва нуқсонларини бартараф этиш чораларини кўриш натижасида ўзаро келишувга эришмаса, лизинг объектини алмаштириб, янги олди-сотти шартномасини тузганда.

21.3. Агар Лизинг берувчи ушбу шартномани бир томонлама бекор қилса, Лизинг олувчи лизинг объектини шартнома тутаган санадан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида ихтиёрий равишда қайтариб беради ва ушбу лизинг шартномасининг бекор бўлиши билан боғлиқ бўлган барча зарарларни қоплайди. Шу билан бирга, Лизинг олувчи лизинг тўловлари суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

21.4. Лизинг олувчи томонидан ушбу шартнома билан белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги жиддий бузилиши ҳисобланадиган, шартноманинг 21.2.1.-21.2.7-бандларда кўрсатиб ўтилган ҳолатлар вужудга келганда, Лизинг берувчи олдиндан огоҳлантирмасдан, қўйида кўрсатиб ўтилган барча чораларни кўришга ҳақли:

- Лизинг олувчидан ушбу шартномада назарда тутилган лизинг тўловларининг бир қисmini ёки тўлиқ миқдорини муддатидан олдин дарҳол тўлашини талаб қилиш. Бу ҳолда, Лизинг берувчи, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Лизинг олувчининг ҳисобварағидан маблағларни акцептсиз равишда ечиб олиш ҳуқуқига эга;

- шартномани бекор қилиш билан бир вақтда лизинг объектини олиб қўйиш (қайтариб олиш) ва зарарни қоплашни талаб қилиш.

21.5. Ушбу шартноманинг 21.2.1. ва 21.2.7.-моддаларда кўрсатилган сабабларга кўра шартнома бекор қилинганда Лизинг олувчи Лизинг берувчига қўйидаги миқдорларда суммаларни тўлаш мажбурияти бор:

- Лизинг олувчининг лизинг тўловлари бўйича қарзлари (агар ушбу шартнома бекор қилинган вақтда мавжуд бўлса);

- ушбу шартномада назарда тутилган неустойка ва пеня суммалари.

22. Форс-мажор

22.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар, агар бундай қобилиятсизлик фавқулотда ҳолатлар, масалан, ёнғин, сел, zilзила, урушлар, харбий ҳаракатлар, фуқароларнинг норозилиги, ҳукумат аралашуви, қонун ҳужжатлари ўзгариши ва бошқа ҳолатлар, агар ушбу ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ форс-мажор ҳолати деб эътироф этилган тақдирда.

Бундай ҳолатда, шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш муддатлари форс-мажор вазиятларнинг амал қилиш муддати давомида мутаносиб равишда узайтирилади.

22.2. Шартномага кўра форс-мажор оқибатида мажбуриятларни бажара олмаслик вазияти юзага келган томон, бошқа томонни 10 (ўн) календар кун олдин ушбу форс-мажор вазияти юзага келгани ва тутаганлиги ҳақида ёзма шаклда огоҳлантириши зарур.

Форс-мажор ҳолати юзага келганлиги факти ваколатли давлат органининг ҳужжати билан тасдиқланиши керак.

22.3. Форс-мажор вазияти 30 (ўттиз) календар куни мобайнида давом этса, томонлар қандай чоралар кўрилиши кераклигини муҳокама қилиш учун учрашадилар.

22.4. Агар кейинги 30 (ўттиз) календар куни мобайнида томонлар ушбу лизинг шартномасининг келажаги ҳақида қелиша олмасалар, ҳар бир томон бир томонлама равишда ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

23. Яқуний қоидалар

23.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан барча баҳс-мунозараларни ёки унга алоқадор бўлган барча қелишмовчиликларни музокаралар ўтказиши йўли билан ҳал қилишга интиладилар. Томонлар қелишувига эришилмаган тақдирда, улар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

23.2. Шартнома фақат томонларнинг ёзма розилиги билан белгиланган тартибда бажарилган ҳолда қўшимча қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

23.3. Ушбу шартноманинг барча илова ва қўшимчалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

23.4. Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун бир нусхада тузилган.

24. Томонларнинг реквизитлари

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ:	ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ:
АТБ «ASIA ALLIANCE BANK»	« _____ » МЧЖ
_____ филиали	
Манзил: _____	Манзил: _____
_____	_____
СТИР: _____ ХХТУТ: _____	СТИР: _____ ХХТУТ: _____
МФО: _____	х/р: _____
Телефон: _____	_____ МФО: _____
_____	Телефон: _____
_____	Директор _____
М.Ў.	Бош бухгалтер _____
	М.Ў. (агар мавжуд бўлса)